

Ризққа шубҳа қилманг!



17:00 / 19.06.2021 2376

Кўк кит бугунги кунда ер юзидаги энг катта мавжудот ҳисобланади. У овқатланиши учун кунига 3,5 тоннадан кам бўлмаган балиқ ейишга эҳтиёжи бор. Кунига дейсизми? Ҳа, ҳар бир кунига!

Аллоҳ уни яратди ва Ўзининг ҳикматига кўра унинг ризқига кафил бўлди. Бир кунига 3,5 тонна емишни биттагина маҳлуқига ризқ ўлароқ етказиб қўйган Зот ҳақида билатуриб сенга етажак ризқинг хусусида безовта бўляпсанми?...

Сен ундан кўра, Аллоҳдан ёрдам сўра, ҳалол ризқ сабабларини ушла ва Аллоҳга ишон.

PS: Кўк кит –шу замоннинг энг катта маҳлуқоти, балким энг оғири ҳам. Узунлиги 33 метрни ташкил этса, оғирлиги 150 тоннадан сал ошади. У мўйловчи китлар оиласига мансуб бўлиб денгиз планктонлари, яъни денгизўтлари ва жониворлари билан озиқланади.

«Ўз ризқини кўтара олмайдиган қанчадан-қанча жонзотлар бор. Уларга ҳам, сизларга ҳам Аллоҳ ризқ берадир...». (Анкабут сураси, 60-оят).

